

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Мусахҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

А.Акбаров	
Хайнрих Хайне ва аёллар.....	94
Г.Орипова	
Ўзбек шеъриятида ижорий лирика тарихи ва тадрижи.....	101
О.Барзиев	
Фарона номи билан боғлиқ анъанавий поэтик турқумлар.....	108
Д.Турдалиев	
Ўзбек достончилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари.....	114
Ю.Каримова	
“Лисонут-тайр” достонида бадиий тасвир усуллари ва ифода воситалари.....	123
Д. Муратова	
ХХ аср ўзбек ва корейс ҳикояларида ота-она ва фарзанд муносабатларида оиласвий қадриятлар тасвири.....	127

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамажонов, А.Саминов	
Сўз бирикмаси қисмларида семантик мутаносиблик ва номутаносиблик.....	133
М.Мамажонов	
Диалогик дискурсда антропонимларнинг коммуникатив-функционал хусусиятларига доир.....	138
Р.Ахророва	
Ўзбек ва француз типларида эрта ёшлик “jeunesse”нинг лексик-семантик ифодаланиши.....	144
Х.Қодирова	
Хоразм шеваларида ўзлашма сўзлар асосида шакланган айrim лақаблар.....	148
Х.Дўсматов	
Ўзбек миллий сўз ўйинлари турлари ва талқини.....	152
Ш.Шокиров, Д.Қозоқбоева	
Инглиз тилида “ear – қулоқ” семасига алоқадор бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари.....	159
Т.Яндашова	
Бадиий матнда “гўзаллик” концептини ифодаловчи фонетик-фонологик воситалар лингвопоэтикаси.....	163
Г.Тожиева	
Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида маънавий-маърифий тушунчаларни ифодаловчи атов бирликларининг тавсифланиши.....	168
З.Раджабова	
Ўқув фразеографияси лексикографиянинг маҳсус бўлими сифатида.....	173

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Х.Турсунов, Ю.Минаматов, И.Мўминов	
Замонавий таълимда компьютер ўйин элементларидан фойдаланишининг педагогик муаммолари ва ечим тавсиялари.....	182
М.Каримова, З.Арипов, М.Оламова	
Педагог ва талаба ёшларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг омиллари ва усуллари.....	189
С.Умаров	
Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг илмий-педагогик имкониятлари.....	193
С.Аъзамов	
Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси терминларини тартибга солиш.....	197

УДК: 830

ХАЙНРИХ ҲАЙНЕ ВА АЁЛЛАР

ГЕНРИХ ГЕЙНЕ И ЖЕНЩИНЫ

HEINRICH HAYNE AND WOMEN

Акбаров Азиз Абидович¹

Акбаров Азиз Абидович

— Фаргона давлат университети, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Аннотация

Мақолада буюк немис шоури Ҳайнрих Ҳайненинг ҳаёти ва ижодидаги аёллар ҳақида боради.

Аннотация

В статье речь идёт об участии женщин в жизни и творчестве великого немецкого поэта Генриха Гейне.

Annotation

This article discusses the role of women in the life and work of the great German poet Heinrich Hayne.

Таянч сўз ва иборалар: биринчи муҳаббат, баҳорги гул, бўса олмоқ, ҳис-туйғулар, тонгги атиргул, рад этилган севғи, гўзаллик курбони, никоҳсиз турмуш, кузги гул, вафот этмоқ.

Ключевые слова и выражения: первая любовь, весенний цветок, поцелуй, чувства, утренний цветок, отвергнутая любовь, жертва красоты, внебрачная жизнь, осенний цветок, умереть.

Keywords and expressions: first love, spring flower, kiss, emotion, morning rose, rejected love, beauty victim, extramarital life, autumn flower, to die.

Инсон жуфт яратилган. Вояга етгач, хоҳ эркак ёки аёл кишиими, ўз жуфтини топишга ҳаракат қиласди. Бу ҳодиса инсоннинг маълум ёшида юзага чиқади. Кимдадир эрта, бошқасида кеч. “Жуфт бўлиб яшаш – бу табиат қонунидир. Шунинг учун дунёдаги барча жонзорлар ўз жуфти билан яшайди”[6,126].

Бизда бу муносабат никоҳ орқали боғланади. Европада ҳам шундай, бироқ уларда эркинликка интилиш кучлироқ, яъни, истаган кишиси билан хоҳлаганча яшаш афзал кўрилади. Бирор у ёққа тур, бу ёққа тур демаса, одамга ёқади-да!

Ҳайне ҳам ўз жуфтини узоқ излади. Гарчи унинг биринчи муҳаббати кам эсланса ҳам, **Кичкина Вероника** бўлган. Биринчи ва фожиали. Ҳайне буни “Сафар манзаралари” ва бошқа асарларида ёзиб қолдирди.

У ёзади: “Урсула мени кечкурун бир сокин хонага бошлаб кирди. Кичкина Вероникани мўъжаз тобутда чиройли ётганини тасаввур ҳам қила олмайсиз. У кичик оқ кафанчада ётар, кулимсираб турган юзига эса, бosh томонига қўйилган шамларнинг гуллар узра ёғдуси тушиб турарди. Стол устида шам ва гуллар куршовида ётган мурдан танидим ва

сўрадим: “Нега кичкина Вера жим?”. Урсула: “Ўлим шундай қиласди”, деб жавоб берди. Қабр олдида туриб кузатган манзара Ҳайненинг кўз олдидан кетмас, болалигида илк кўнглига ёқсан кичкина Верани унута олмасди. Унинг тимсолини эса, у ўз лирикасида оромгулни тез-тез эслаб ўтган. Бунинг изоҳини Ҳайненинг дўсти Каролина Жобернинг эсадаликларида учратиш мумкин. “Биз адирга чиққанимизда, қизча қўлида гуллар билан ўйнаб юрарди, бу қалампиргул шоҳчаси эди. Тўсатдан у гулларни лабларига тегизиб, менга узатди. Бир йил ўтиб, каникулга келганимда, кичкина Вера оламдан ўтган эди. Ўшандан бери вафот этганига ишонгим келмас, у тириқдек эди. Нима учун? Нега? Бу қизиқ, сирли эмасми? Бу бўлиб ўтган воқеаларни катта баҳтсизликни эслагандек, аччиқ ҳисларни бошимдан кечирар эдим”[1].

Ҳайне кимга кўнгил қўйган бўлса, унинг ўлими уни таъқиб қилиб юрарди. Кичкина Вера оромгул бўлса, гўзал гимназия ўқувчиси А – тонгги атиргул. Бироқ, Ҳайне илк кўнгил қўйган қиз ҳаётни эрта тарқ этди. Шундай қилиб, гимназия йилларида ийқотиш, алам, соғинчдан,

АДАБИЁТШУНОСЛИК

киши вояга етганда кеч бўладиган азоблардан заҳарланиб бўлган эди.

Қизил Зефхан шоирнинг ҳаётида туб бурилиш бўлди. Ҳайнега Иозеф Зефхан катта таъсир кўрсатди. У Ҳайнени меланхолиядан ёруғ дунёдаги мистик-романтik юксакликка қайтарди. Шоир Зефхан билан бўлган муносабатларини “Мемуар”ида батафсил тасвирлаган, у пайтда ҳар иккиси ўн олти ёшда бўлган. Зефханнинг соchlари малла эмас, балки қондек қип-қизил бўлиб, елкасидан пастга селкиплаб тушиб турарди. Ўн тўрт ёшида етим қолган. Шу боис бобосининг тарбиясида эди. Зефхан касби жаллод бўлган кишининг қизи бўлган. Бобоси ҳам жаллод бўлиб хизмат қилган. Жаллодлик касби авлоддан-авлодга ўтиб, жаллодлар сулоласини ташкил этган. Уларнинг уйлари шаҳар чеккасида жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳоли бу уйни четлаб ўтишарди. Зефхан кўпгина “Эски ҳалқ қўшиқлари”ни биларди[2]. Шу сабаб у Ҳайнеда шундай шеъриятга иштиёқ уйғотди. Улар ўртасидаги мулоқот таъсирида яралган “Тушлар” шеърий туркуми ғамгин ва аламли эди. Зефхан болалиқдан то ўсмирлигигача алоҳида ҳаёт кечирган. Шу сабабли бўлса керак, у тортинчоқ, одамови, яъни одамлардан ўзини олиб қочар, муомалада ҳам ўжар эди. Унинг бобоси хунарининг тартиб-қоидаларига кўра, юзинчи айборнинг бошини кесгандан кейин, қиличини махсус тайёрланган қабрга кўмган. Бироқ бувиси бобосининг ўлимидан кейин сеҳргарлиқда қўллаш мақсадида қиличини кавлаб олган. Ҳайнे ана шу қиличини кўрсатишни қайта-қайта илтимос қилганидан сўнг, Зефхан қилич яширилган бир ҳужрага бошлаб борди. Шу заҳоти у қўлида ўткир қилич билан пайдо бўлди. У нозик қўллари билан қиличини кўтариб:

Лаззатми, сенга қилич тифини ўпмоқ?

Яратганинг сўнгги неъматин тотмоқ? Мен ҳам ўша овозда: “Менга қилич тифини эмас, балки қизил Зефханни ўпиш лаззатлироқ”. У қилич ўзига тегиб кетмаслиги учун ҳимояланада олмай қолди, мен эса бундан фойдаланиб, катта жасорат билан унинг етишиб бўлмас

лабларидан шартта ўпдим. Ҳа, юзлаб заракунанда фирибгарларнинг бошини танасидан жудо қилган ҳақиқат қиличига хилоф равишда иснодга қолишни ҳам ўйламай, бадном уруғ-жаллод қизини ўпдим. Мен уни севганимдан эмас, балки эски жамиятга бўлган нафрат ва хурофотлар сабаб ўпдим. Шу он менда туйғулар олови лоп этиб ёнди. Мен кейинги ҳаётимни ана шу икки туйғуга бағишладим: **гўзал аёллар ва француз инқилобига бўлган муҳаббатга**.

Зефханнинг сеҳрли бўсалари Ҳайненинг нозик қалбида туйғулар вулқонини ҳаракатга келтирди. Бу туйғулар шоир қалбидан ташқарига астасекин чиқиши учун нозик ҳис-туйғуларга сабаб керак эди. Бунга сабаб, ҳамбурглик бой амакисининг қизи **Амалия** бўлди. Амалия Ҳайне калондимоғ бўлиб, совуқ ва мағрур хулқи билан бошқалардан ажralиб турарди. У ўн етти ёшли шоирга менсимай, тўй-йиғинларда шеър ўқиб, беш-олти талер пул топиб, рўзгор тебратада оларни деб, уни менсимади ва унинг севгисини тан олмади. Бир ёши улуғ мулқдорга турмушга чиқиб кетди. Ҳайне бу шахсий драмасини қийинчиллик билан кечирди. Амалияга бўлган баҳтсиз муҳаббати унинг шоир бўлишида биринчи туртки бўлди. Кейинчалик бу, шеърлар тўпламида ўз аксини топди ва умрининг охирида, “Мен кўз ёшларимни тўккан, аламимни сўндириш учун айш-ишратга сабаб бўлган: Амалия орзуларим оламида биринчи баҳорги гулим бўлди”, деди[1].

Ҳайненинг шоир бўлишига жияни Амалияга бўлган севгиси сабаб бўлди. У Амалияни жуда қаттиқ, ақлдан озиш даражасида севган эди. Бу, унинг “Қўшиқлар китоби”да ўз ифодасини топди. Мағрур Амалияга атаб, машҳур “Тушлар”, “Қўшиқлар”, “Лирик интермеццо”, “Тағин ватанда” каби асарларини бағишлади. “Бу китоб, – деди у, – фақат муҳаббатим хоки солинган яшиқдир”. Етти йил ўтиб, Амалиянинг синглиси Терезани севиб қолди. Тереза ҳам опаси каби шоирнинг севгисини рад этди. Ҳайне Терезага “Тағин ватанда” ва бошқа шеърларини бағишлади.

Ха, юрагим дардли, тобора
Силқиб-силқиб ундан томар қон.
Хам ошик у, ҳамда садпора...
Сен-чи, буни күрмайсан бу он.

(Хайдиддин Салоҳ таржимаси)

Ҳайнे Парижда “Париж аёллари” сарлавҳали унча силлиқ бўлмаган шеърини битди. Бу шеър анча шов-шув, муҳокамага сабаб бўлди. Нима бўлганда ҳам, шоир умрининг охиригача гўзаллик шайдосига айланди. Шол бўлиб ётиб қолишидан олдин у Луврга бориб, Венера Милосскаянинг ғоят гўзал жамолини томоша қилгач, ҳолсизланиб, ҳайкал пойига йиқилди. Уйга зўрға етиб келиб, ётиб қолди. Шу билан бошқа кўчага чиқмади. Аёлларга нисбатан идеал ва ҳақиқат ўртасидаги қарама-қаршилик, шоир учун ўта типик бўлиб, унинг нозик кўнглига озор берарди.

Ҳайне ўттиз етти ёшида ўн тўқиз ёшли пойафзал сотувчи қизни ёқтириб қолди. Асли унинг исми **Крессенсия-Эжени Мира**. Шоир уни Матильда, деб атай бошлади. Романтиклар учун бу энг севимли исм эди. Гўзал, бироқ саводсиз бўлган оддий дехқон қизини Ҳайне хотинликка олгани ҳайратланарли эди. Матильда ўн беш ёшгача қишлоқда ўсади. Кейин әса Париждаги пайпоқдўз холасиникига борди, у ерда Ҳайнени учратди. У маълумотсиз бўлиб, ҳатто ўқишини ҳам билмасди. Ўқишига уқуви йўқ эди. Шоир ана шундай ўқиши, ёзиш-чишини билмайдиган аёлга уйланди. “У менинг ягона юпанчим, – ёзади Ҳайне у

Гулга ишқи тушиб капалак
Атрофида минг бор айланур.
... Бажонудил билган бўлардим
Гулнинг кимга ошик эканин.
...Мен билмадим, гул кимга шайдо,
Лек севарман барча-барчасин.

(Миртемир таржимаси)

Тўйғу-ҳиссиётлар таъсиридаги шоир аёлининг гўзал бўлибина қолмай, унинг ақлли бўлишини ҳам истарди, худди Христина Вульпий каби (И.В.Гётенинг севгилиси, кейинроқ аёли).

Ҳайне Матильдани билим олиш учун ёш қизлар пансионатига жойлаб қўиди. Ўқиши ҳақини тўлаб турди. Бироқ, пансионат ҳам уни ўзгартира олмади, у

ҳақда, – дўмбок, бақувват, нолиш нималигини билмайди”[5]. Матильда ўйинга тушганида, орқа қуйругини ўйнатиб, чиройли рақсга тушар, шоир эса бундан рашк қиласди. Унинг ўзи рақсга тушишни хуш кўрмасди. Бундан ташқари, у аёлини Кококотт лақабли тўтиқушдан ҳам қизғанарди, чунки Матильда Кококотт билан банд бўлиб, баъзан хўжайнини унутиб қўярди. Ҳайне бунга нуқта қўймоқчи бўлди ва тўтиқушни каламуш дориси билан заҳарлаб тинчтди. Тўтиқушнинг ўлими вазиятни енгиллаштирмади, чунки шоирнинг гўзали Кококотт I нинг ўлими билан муроса қилолмади, ҳатто бу воқелик адабиёт тарихига ҳам кирди. Иложсиз, Кококотт II ни сотиб олишга тўғри келди[3,5]. Ҳайненинг Матильдага бўлган муносабати идеал ва ҳақиқат ўртасидаги қарама-қаршилиқдан иборат бўлди. Бу муносабатлар 1836 йили бу севишганлар ўртасидаги катта жанжалга сабаб бўлди. Уларнинг юз кўрмас бўлиб кетишлирига бир баҳя қолди. Жиззаки, қизиқон шоир дилидаги аламларини сир сақласа ҳам бўларди, бироқ у дардини ҳаммага дастурхон қилиб юрди. Дўстлари унинг азобланаётганлигини кўриб, шеърларидан мисол келтириб, овутишарди:

(Миртемир таржимаси)

Ҳеч нарса ўрганмади. Ҳайне унга немис тилини ўргатмоқчи бўлиб, қаттиқ уринди. Бари бир фойдаси бўлмади. Шу сабаб Матильда шоирнинг биронта шеърини ўқимай, ҳатто эри нима билан шуғулланишини билмай, дунёдан ўтиб кетди. Бу ҳақда у: “Ҳайнени ақлли дейишади, кўпгина ажойиб китоблар ёзган, ўзим ҳеч нарса сезмасам ҳам,

АДАБИЁТШУНОСЛИК

сүзларга ишонишим керак”, дейди у соддалик билан.

Матильда пансионатдалигыда Жорж Санд билан дон олишиб юрди. Санднинг ошиқлари кўплигидан Ҳайнे тезда у билан ипини узди. Яна ўзининг содда Матильдасига қайтди. Матильда унинг адабини бериб, яна бағрига қабул қилди[10].

Бироқ, Матильда қомати келишган, қорасоч, баланд бўй, порлаган кўзлар, торпешона, ҳаракатчан, қувноқ, оқкўнгил ва эрига содик парижлик аёл эди. Олти йил никоҳсиз турмушдан сўнг, Ҳайне ўз расмий тўйларини ўтказди. Икки кундан кейин ягона меросхўр аёлига васиқа битди. Васиқага кўра, унинг аёли шоир вафотидан сўнг албатта бошқа бировга турмушга чиқиши керак эди.

Матильда унинг биронта асарини билмаслиги Ҳайнени ҳайрон қолдирмади, аксинча, аёли уни мақтов, шоир сифатида эмас, балки инсон сифатида севди. Бу, унга ёқарди.

Мулойим бўлмаса ҳам, қувноқ характерли француз аёлига хос чўрткесар Матильда эрига ақлдан озиш даражада содик эди. Гоҳида ҳунар ҳам кўрсатарди, аччиқланиб, қуюшқондан чиқиб кетарди. Бу вулқон тез отилиб, тез сўнишини ва ҳеч қандай из қолдирмаслигини Ҳайне яхши биларди.

Ҳайне Матильда билан йигирма йил яшади. Шоир аёлинини севиб, ҳурматини жойига қўйди. Бунга жавобан Матильда ҳам уни суйиб яшади, “rasce que il est bon” – “чунки у яхши”, яъни уни яхшилиги учун севди. Шоир оғир касалга чалинганида, уни жуда яхши парваришлади, ғамхўрлик қилди.

Эрининг вафотидан кейин ҳам унга содик қолди, камтарона умр кечирди. Цирк, қизиқарли пъесалар қўйиладиган бульвар театрларига бориб турарди. Унинг уйига биронтаси меҳмонга келадиган бўлса, доим Ҳайне ёқтирган таомларни буюарди. Оқкўнгил, соддадил аёл буни турмуш ўртоғи хотирасининг рамзи, деб биларди. Унинг қўлини ялиниб-ёлвориб сўраганлар ҳам бўлган, бироқ у эрини унутмаслиги ва бошқа инсон фамилиясида бўлишни хоҳламаслигини айтарди. Ҳайне ана шундай аёлни севган. Матильда хонага

кириб келганида, хурсанд бўлиб, кўнгли яраб, ором оларди. Бу ҳолатни у қуидагича таърифлаган: “Аёлим тонгги атиргул, унинг табассуми немис ташвишларини аритиб юборади”.

Қизиқарли ҳолат: Матильда эрининг вафот этган куни. 1883 йил 17-февраль оламдан ўтди.

Элиза фон Кринц – шоир ғамгин кузининг сўнгги гули. Уларнинг танишуви жуда қизиқарли бўлган. Қиз Елисей майдонидан унча олис бўлмаган Матинъго кўчасидаги З-сонли уйга кириб, олтинчи қаватга кўтарилиди. Нафасини ростлаб, қўнғироқ ипини тортди. Эшикни хизматкор очиб, совукроқ қарши олди. Қиз хизматкорга Камилла Зельден эканлигини, Австриядаги композитордан шоирга мактуб олиб келганлигини айтди. Қўнғироқ чалинди. Хизматкор қўнғироқ чалинган хонага кирди, кейин меҳмонни кўшни хонага таклиф қилди. Хона совуқ, парда билан тўсилган, қоронғи эди. “Қалай? Менинг қабр тўшагим?”, овоз эшитилди парда ортидан. Пастаккина каравот устидаги олти матрац устида ётарди, у. Унинг кўзлари юмуқ эди. Қиз унинг кўзи ожиз, деб ўйлади. Бемор кўрсаткич бармоғи билан ўнг қовоғини кўтарди ва нотаниш қизга бироз термилди.

Қиз йигирма олти ёшда бўлиб, ўртacha бўй, жуда гўзал, оғатижон эди. Юзлари думалоқ, бурни бироз туртиб чиқсан, кўзлари иболи эди. У кулганда оппоқ, марвариддек тишлари ярқ этиб кўзга ташланарди. Қиз келишган ва мулойим эди. Суҳбат чоғида қизнинг немис миллатига мансублиги, ҳақиқий исми **Элиза фон Кринц** эканлиги маълум бўлди. Деярли умрини Парижда ўтказган, Наварни кўчасида истиқомат қиласарди. Дўйстлари уни Марго деб аташарди. У Венадаги ёш композитор илтимосига кўра Ҳайне шеърига ёзган мусиқа нотасини олиб келган, уни шоирга шахсан ўзи топшириши керак эди. Ҳайне қизга унинг овози ёқимли эканлигини, бу, унинг дардига малҳам бўлишини айтди. Яна шоир ҳамдардга зор экан, деб ўйламаслигини ҳам қистириб ўтди. Ҳозир одамлар шафқатсиз бўлиб кетишганини, илгари у бу ҳақда ўйламаганлиги, ҳозир эса ўйлашга фурсати борлигини айтди.

Шоирнинг назари қизнинг бармоғидаги пашша тасвири узукка тушди. У Элизага унинг узуғи бир умрбод қамоққа маҳкум қилинган маҳбусни эсга согланини айтди. Бир куни маҳбус камерада пашшани кўриб қолди. Бу узоқ вақт қамоқда ўтиргандан сўнг кўрган ягона жонзот экан. У пашшанинг қувноқ ғинғиллашини тинглар, қанотлари ва қўлларини ювишини кузатарди. Аста-секин пашша қўшнисига кўниқди, чўчимасдан қўшнисининг бармоғига қўна бошлади, қўшниси эса уни нафаси билан иситарди. Ана шундай қилиб, сиз ҳам мен умрбод маҳбуснинг камерасида пашша каби пайдо бўлдингиз. Ҳар ҳолда мен шундай бўлишини жуда ҳам истагандим. Менинг умрим кузининг сўнгги лаҳзаларида қанотли мавжудот – пашша бўлиб қолинг. Менинг хузуримда кимнингдир ғинғирлаган овози етишмайди. Ҳозирдан бошлаб сизни “Пашшача”, деб аташга рухсат беринг, деди Ҳайнене ва энг яқин, ҳамдард инсонига айтгандай, ўз дарди ҳақида сўзлаб берди. Эшитганлари Элизани қаттиқ ҳайратга солди. Шоир унга ўз китобини совға қилиб, яна келишини тайинлади. Кейинги кун хатни ўзи ёзганлигини, котибасининг йўқлиги, кўзи ҳам яхши кўрмаяётганини ташрифи унда яхши таассурот қолдиргани, агар келса, тушдан кейин хоҳлаган пайтда келиши мумкинлигини ҳам ёзди. Ўзини яхши ҳис қилмаётганини, қулоғи яхши эшитмаётганини ҳам қўшиб қўйди.

Матильданинг яхши муносабати, ғамхўрлигига қарамасдан, умрининг охирги кунларини кечираётган Ҳайнеда К.Зельденга муҳаббат уйғонди. Шоир уни бир кун кўрмаса чидай олмай қолди. Дастрлаб Матильда Камиллага прус айғоқчиси, деб душманлик кўзи билан қарап, саломига зўрға алик оларди, у билан бир дастурхонда ўтиришни хоҳламасди. Бу ҳолатдан чиқиш учун шоир Матильдани бирон жойга кетиш вақтини танларди. Кўп ўтмай, хотиннинг нодўстона муносабати ўзгарди. Яриммурда эрини Камилладан қизғанмай қўйди, чунки уларнинг муҳаббати фақат платоник бўлишини яхши биларди.

Камилла билан сұхбат адабиёт, Шекспир, Байрон ҳақида бўларди. Шоир илгаригидан яхшироқ сайрай бошлади, жиддий, яхши асарлар яратди. Шоир тўшакда ётган ҳолда тиззасидаги бюварни мослаштириб, ижод қилди. Унга котиба керак эди. Зельден бу вазифани ўтай бошлади. Бу ҳамкорлик уларни янада яқинлаштириди. Ҳайнене Амалияни баҳорги гулим, деб атаган бўлса, Пашшачани кузги гулим, деди. У бундай муҳаббатдан эзилар, ичидан зил кетарди.

У Элизага йўллаган хатларида унга “дилбар, зебо қиз”, “мехрибон пари”, “бебаҳо”, “азизим”, “қадрдоним”, “мехрибон дўстим”, “гўзалим”, “жоним” деб мурожаат қиларди. Унга бағишилаган “Пашшача”, “Нилуфар” шеърларини вафотидан икки-уч ҳафта олдин битган эди.

Камилла бир шахсий ташвиши туфайли қисқа муддат кела олмай қолди. Ҳайнене уни ҳар куни интиқлик билан кутарди. Қиз келганида, шоир унинг хафалигини, юзидан кўз ёшларининг оқиб тушаётганини кўраётгандай, яқин келишини, каравотига ўтиришини имлаб кўрсатди. “Юзимни яхши кўриши учун шляпамни ечиб ташлашимни айтди. Мен қаттиқ ҳаяжондан шляпамни ечиб, улоқтириб юбордим ва унинг кроватига тиз чўқдим. У чекаётган азобни кўриб, яқинлашиб келаётган нохушликни сезгандай, қаттиқ йигидан ўзимни тутиб турга олмадим. Биз бир-биримизга бир сўз айта олмадик. Бироқ, дўстим қўлини бошимга қўйиб, дуо қилаётганини сездим”.

1856 йил 17 февралда шоир дунёдан кўз юмди. Элиза ҳам Ҳайнене ҳақида Камилла Зельден тахаллуси билан икки-уч китоб нашр этди.

Ҳайнене эмигрантликда “Тўшак қабр”га тушиб қолганда бир неча юқори табақали, киборли аёллар ёрдам қўлини чўзиб, кўнглини кўтаришган.

Княгиня Христина Бельджойзо
Австриянинг Италиядаги ҳукмронлигига қарши озодлик ҳаракатида қатнашган, 30-йиллар бошида Парижда мухожир бўлган. Ҳайнене у билан Парижда сен-симончилар йигилишларида танишган. У Ҳайнене билан умрининг охиригача дўст бўлиб қолди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Рахиль фон Фарнхаген Ҳайне ижодининг гуллаб яшнаган пайтида уни қўллаб-қувватлади. У оиласи бўлиб, эри ва оиласини севган, ҳурмат қилган. Аёлнинг адабиёт салони бўлиб, унда даврнинг энг ақлли кишилари йиғилишарди. Улар орасида Ҳайненинг обрўйи баланд эди.

Баронесса фон Гогенгаузен ҳам адабиёт салонига эга бўлиб, Ҳайне у ерга қатнаб турарди. Баронесса ўзи ҳам шеърлар ёзар, Ҳайнега эса уларни немис тилига таржима қиларди. Баронесса шоирни Байрон асарлари билан таништириди. Ҳайнега Байроннинг охирги шеърлари маъкул келар, баъзиларини таржима қиларди. Кейинроқ Байрондаги скептицизм ва исёнкорлик шоирнинг кўнглини қолдирди. Шу тариқа у Байрон йўналиши билан алоқани узди. Бироқ унинг асарлари унда муҳаббат уйғотган эди. Баронесса Гогенгаузенга Байрон ижоди билан таништиргани учун чукур миннатдорчилик изҳор қилди. Улар хат ёзib туришди. Шоир беморлиги пайтида баронесса ундан хабар олгани келди.

Каролина Жобер Ҳайненинг ҳолидан хабар олиб турар, кўнгли хотиржам бўлар ва дугонаси Христина Больджойзо билан биргалиқда шоирнинг майда-чуйда рўзгор ташвишларини ҳал қилиб берарди.

Шундай қилиб, "Киборли аёллар" Ҳайне шахсининг ижодий шаклланиши ва касалликнинг аёвсиз зарбасини юмшатиш учун қўлларидан келганича кўмаклашишиди.

Ҳайне шеърларида рад этилган муҳаббат мавзуси тез-тез учраб туради. Бошқа асарларида эса, ўзи ҳақида бўлиб, ғамгинликни тараннум этади. Ҳайне лирикасида аёллар бир-бирига қарама-қарши: ювош, мулойим, ўтакетган ёвуз. У буни қўйидаги афоризмда жуда ўринли ифодалайди: "Аёл бир вақтда ҳам олма, ҳам илон"[2].

Шоир стил режасида туш ҳақидаги шеърлар, лирик интермеццо, қўшиқлар, сонетлар ва бошқаларни афзал кўради. Унда муҳаббат мотивлари ўлим мотивлари ва абадий рух ҳақидаги фикр-ўйлар билан боғланиб кетади. Унда юлдузлар бир-бири билан "ҳатто лингвистлар билмайдиган ажойиб тилда

сўзлашадилар". Бу, муҳаббат тилидир. Ҳайне учун севги – жонли, тириқ, табиий туйғу.

Шоирнинг ҳаёти ва ижодида аёллар мавзуси ҳақида ўйлаганингизда, бир фикрга келасиз, бу мавзу тўппа-тўғри ҳамма томонларни ўз ичига олган, яъни муфассалдир. Бироқ, шоирнинг доимо муҳокама ва эътиrozларга сабаб бўлиб келган бир қатор аёллар номи билан аталган шеърлари ҳам бор. "Ҳар хил" туркуми кичик туркумларни ўз ичига олади: "Серафина", "Анжелика", "Диана", "Гортензия", "Кларисса", "Катарина", "Иоланта ва Мария", "Эмма", "Фредерика" кабилар.

Ҳайне қаламига мансуб Шекспир асарларидаги хотин-қизларнинг портретлари каби буюк асарлари ҳам мавжуд. Бунга сабаб китоб савдогари Деллуа буюртмаси бўлди. У Ҳайнега инглиз рассомлари Мидоу, Босток, Филд, Дженикс, Карбудлар кабиларга Шекспир асарларидаги хотин-қизлар портретлари альбомига матн ёзиши таклиф этади. У Франция, Англия учун бундай альбомни нашр этган эди. Энди навбат Германияга келганди ва мазкур ишни ўз даврининг энг яхши адиби ёзиши керак эди. Савдогар Ҳайнени танлади. Бу китоб 1838 йили нашрдан чиқди. Ҳайне ўнлаб хотин-қизларга бағишлиланган "Руҳий куёш" номли китобини чоп этди.

"Трагедия" бобида шоир Крессида ва Кассандра портретларини яратди, Елена ("Тахт ва Крессида"), Виргилия ("Корилан"), Порци... ("Юлий Цезар"), Констанца ("Қирол Джон"), Клеопатра ("Антоний ва Клеопатра"), Лавиния ("Тит Андроник"), Перси хоним, қиролича Екатерина ("Генрих"), Жанна Д.Арк, Маргарита, қиролича Маргарита, Грей хоним ("Генрих VI"), Анна хоним ("Қирол Ричард III"), қиролича Екатерина, Анна Болейн ("Генрих VIII"), Макбет хоним ("Макбет"), Офелия ("Гамлет"), Корделия ("Қирол Лир"), Жюльєтта ("Ромео ва Жюльєтта"), Дездемона ("Отелло"), Жесси Порции ("Венециялик савдогар"), шунингдек Шекспир комедияларидаги аёллар портретларини яратди.

Ҳайне шеъриятининг муҳлиси, Австрия қироличаси Елизавета буюртмасига кўра 1901 йили Корфу

оролида шоир хотирасига мавзолей ташкил этилди ва Римда қабртош ясатиб, Париждаги Монмартр қабристонидаги Ҳайнрих Ҳайненинг қабрига ўрнаттириди[5].

Ҳайне Зефхан билан муносабатлардан сўнг, туйғуларини гўзал аёллар ва француз революциясига бағишлиша қарор қилган эди. Шоир аҳдида қатъий турди. Бу аҳди унинг шеърларида жаранглаб турди. У ҳаётида жуда кўп аёлларни севди, уларга туркум шеърлар битди. Шеърларида уларнинг номини абадийлаштириди. Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Кўп қўрқоқ шахслар аёллар билан муносабатларини тан олмайдилар. У айтди: “Дунёда аёллар бор экан, уларни тўхтовсиз севавераман; биридан кўнглим қолса, бошқасини ёқтираман; Францияда қирол ўлмаганидек, кўнглимдаги қиролича ҳам ҳеч қачон ўлмайди: унинг шиори: “Қиролича ўлди, яшасин қиролича!”. Бу масалада Ҳайнега тан бериш керак. У аёлларни ўрганиб, “Аёллар эркакларни баҳтли қилишнинг бир йўлини, бебаҳт қилишнинг ўттиз минг йўлини билишади”[2], мазмундаги ҳикматли сўзни айтиб кетди. Умрининг сўнггида ҳам ёш

гўзал аёлни севди. Вафотидан бир муддат олдин севгилиси Камилла Зельденнинг қўл-оёқларини силаб, ўпиб, қўлини унинг бошига қўйиб, дуо қилди. Муҳаббат тўла юрагини ундан уза олмай, қабрга бирга олиб кетди. Одатда ўлими яқинлашганини сезган одам ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Лекин Ҳайненинг иродаси мустаҳкамлигини қуидаги мисолда кўрамиз: бир куни дўстларидан бири шоирнинг жон бераётган пайтида келиб қолади. Икки аёл Ҳайнени покиза ўринга олишаётган бўлади. “Кўриб турганингиздек, аёллар ҳалиям мени қўлларида кўтариб юришибди”, дейди хушини йўқотмай. Унинг охирги сўзи: “Тангри мени кечирсин, бу унинг иши”[5,9].

Гўзаллик шайдоси Ҳайненинг ўн жилдлик танланган асарлари[7,8] муҳаббат пойдевори устига қўйилганига шубҳа йўқ. У умр бўйи муҳаббатни куйлади, севди. Севган инсон севги каби қаримайди. Яқинда Ҳайне икки юз йигирма уч ёшга тўлди. Севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуф таъбирича, шоирнинг бу ёруғ дунёда чироғи ўчмайди. Гоҳи ўтлиғ шеър, гоҳи дилбар куй бўлиб жаранглайверади.

Адабиётлар:

1. «Всемирная литература в средних учебных заведениях Украины» №6 (218) июнь 1998, с.55-60.
2. Гейне (Хейне) Генрих (Heine, Heinrich) (1797-1856), Афоризмы, Биография. <http://www.foxlgn.ru/aphorism/biography/heine.html>.
3. Гаев Г. Гении в частной жизни. – М.: «Крон пресс», 1999 ..
4. Генрих Гейне. <http://www.xsp.ru/psychophy/pub/outpub.php?id=700&str=0015>
5. <http://vikent.ru/author/829/>
6. Собиров Н. Ҳадислар илм ва тарбия асоси. -Т., 2020 й., 126-бет.
7. Генрих Гейне. Собрание сочинений., В десяти томах., Под. ред. Н.В. Берковского, В.М. Жирмунского, Я.М. Металлова. Государственное издательство художественной литературы. Л. 1956-1959.
8. //tfile.co/forum/viewtopic.php?=827268
9. Степанян В.Н. Жизнь и смерть знаменитых людей. -М.:«Аст»; «Зебра», 2007 г.
10. zet-isnetdead.livejurnal.com/244740.html.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)